84
М.84

Марҳабо

Дунёнинг бир қавати

ЯНГИ НАШР

84
М.84

1354

МАРҲАБО

ДУНЁНИНГ БИР ҚАВАТИ

Шеърлар

Тўлдирилган қайта нашр

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Adabiyot uchqunlari» нашриёти
Тошкент – 2015

Исмоилова
во спорт
хаётини
130

ООО «Чирчикская городская типография» Зак. 1004-5000

УЎК 821.512-134
КБК 84(5Ў)7
М84

Марҳабо Каримова.
Дунёнинг бир қавати. Шеърлар тўплами / «Adabiyot uchqunlari» нашриёти. – Т.: 2015. – 88 б.

КБК 84(5Ў)7

Қўлингиздаги ушбу тўпламдан ўрин олган шеърларнинг айримлари қўшиқларга айланиб, мухлислар кўнглига кириб борган. Тўпламда шоира ўз шеърларида буюк муҳаббатни, эл суйган инсонларни ҳамда оила ҳақида ҳаётда учраб турадиган воқеаларни ҳазил мутойиба тариқасида шеърий ифода билан мухлислар кўнглига етказиб берган.

Ўйлаймизки, мазкур тўплам Сиз қалби нозик китобхонлар кўнглидан ўзига муносиб жой олади.

Китобдан ўрин олган шеърларни қўшиқ қилиш муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун талаблари асосида амалга оширилади.

ISBN 978-9943-4392-2-1

© Марҳабо КАРИМОВА.
«Adabiyot uchqunlari» нашриёти 2015 й.

Асал ойи

КАТТАЛАРГА НАСИҲАТ

Яраклаган уйларинг чанг бўлсаям, сиқилма,
Рўзғорингда бир нима кам бўлсаям, сиқилма,
Ташвишлардан кунда бир жанг бўлсаям, сиқилма,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Чайнаётган нонингни «боламга», деб ўласан,
Катта бўлгач, гап билан бир силтаса, сўласан,
Бино қўйма, сийлама, пўпалама, кўрасан,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Қариганда ғалвани кўтаролмас юрагинг,
Қани ота-оналар – суянчиғинг, тиргагинг?
Ётиб қолсанг, оғрисанг, кимга бўлар керагинг?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ғамни олсанг кўнгилга, тўлиб кетаверасан,
Офтоб урган майсадай, сўлиб кетаверасан,
Юрагингни чангаллаб, ўлиб кетаверасан,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўзин боққанинг қолиб, боласин ҳам боқасан,
Куч-қувватинг борида ҳаммасига ёқасан,
Ўзинг учун бир бора чиққанмисан боққа, сан?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Уйлантиру болангни, бўлак қилгин уйини,
Ўзи тортсин рўзғорнинг ташвишини, ўйини,
Кўриб турсанг бўлгани, соғ-саломат бўйини,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Таъма қилсанг бир нонни, чимирилар қошлари,
Сенсиз пишиб ейилар, ёлиққина ошлари,
Югуришар олдингга, оғриб қолса бошлари,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Эрининг топганини ўйнаб, еркан бир аёл,
Ўғлининг топганини, ўйлаб, еркан бир аёл,
Бекорга айтилмаган, халқ ичида бу мақол,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Майли, тушган уйида яшнаб юрсин келинлар,
Мақтаб, алқаб, дуо қил, яйраб юрсин келинлар,
Қайнонаммас, онам, деб, сайраб юрсин келинлар,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ялаб-юлқиган уйинг, келинларга қолодир,
Сендан кейин ким билар, не куйларга солодир,
Уйим, болам, чақам деб, олаверма хавотир,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Меҳнат қилдинг тинмадинг, етганича имконинг,
Ўзинг учун ҳам яша, ғаниматдур ҳар онинг,
Тоғларга чиқ, ҳаво ют, жон-жон ўзингни жонинг,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўғилларда қўш улов, сен юрасан пиёда,
Ўзларидан ошмайди, моли бўлса зиёда,
Болам, болам, болам деб, нима кўрдинг дунёда?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Ўлсанг болаларинг ҳам қабргача боради,
Айтчи, унда сен билан қайси бири қолади,
Қиёматда қай бири гуноҳингни олади?
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кўнглинг кимни хушласа, ўша билан суҳбат қил,
Тиконларга қарама, гулга қараб роҳат қил,
Асабингни қийнама, юрагингга шафқат қил,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Жуфтинг учун ясаниб, эй аёл, ҳеч толмагин,
Қариликни бўйнингга асло-асло олмагин,
Ўнта боланг бўлса ҳам, эргинангдан қолмагин,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Кунлар келар инжиқ чол биров келмас ёнингга,
Шу илмилиқ кампиринг оро кирар жонингга,
Шукр қил бирга ўтган ҳар соат, ҳар онингга,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Тўрт пул топсанг ярмини кексаликка олиб қўй,
Йиғиб, эски нимчангнинг чўнтагига солиб қўй,
Ўн бола бир отани боқолмайди, билиб қўй,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Қўлинг ишда, ва лекин Раббанода бўлсин дил,
Ғийбат, ҳасрат гапни қўй, субхоноллох айтсин тил,
Бу дунёнинг нонин еб, у дунёнинг ишин қил,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

Йиғиштириб умрнинг қолганини — борини,
Марҳабохон, қилгайсан охиратнинг корини,
Қулоғингга қуйиб ол бу насиҳат — дорини,
Ўғлинг еб, ўрга кетар, қизинг еб, қирга.

ҲАЛИ АЁЛ БЎЛМАБСИЗ, ПОШШО

Уйни безаб, тузатсангиз ҳам,
Эрни кутиб, кузатсангиз ҳам,
Ўнта қизни узатсангиз ҳам,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Уйингизга келин келган йўқ,
Юрагингиз ҳали қувноқ, шўх,
Кафтингизда тутмагансиз чўғ,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Ташвиш сиздан бир қадам нари,
Меҳнатларнинг келмади гали,
Зўр синовлар олдинда ҳали,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Кўзларингиз ҳали сурмалик,
Кўйлагингиз ёқа, тугмалик,
Уйингизда ғалва йўқ, тинчлик,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Кўнгил қуши сайраб турипти,
Орзулардан яйраб турипти,
Ёв у кунни пойлаб турипти,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Бир бегона қуш келиб унда.
Аҳлатингиз «титади» кунда,
Билмасликка оласиз шунда,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

Қандай гулсиз, исингиз чиқар,
Чин қиёфа, тусингиз чиқар,
Ё тилло, ё мисингиз чиқар,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

— Марҳабохон, шеър ёзмай кетинг,
Нима қилай бўлмаса, айтинг?
— Тинч кунларнинг қадрига етинг,
Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо.

БИРОВНИНГ БОЛАСИ УЙИМДА

Тўй қилиб, келинчак туширдим,
Ўзимга ўзим иш оширдим,
Ман энди... ман энди тушундим,
Бировнинг боласи уйимда.

Бақирманг, дадаси, секин-ей,
Овозингиз бирам текин-ей,
Уйимнинг қайтига бекиней,
Бировнинг боласи уйимда.

Ҳаммага қиламан илтифот,
Тилимга бўламан эҳтиёт,
Кўчага чиқмасин «ахборот»,
Бировнинг боласи уйимда.

Келинлик бир келар, яйрасин,
Оллоҳим илтифот айласин,
Қозоним гўшт билан қайнасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Сипороқ кийингин, вой, қизим,
Ибрат бўл келинга, ҳой, қизим,
Онангни тушунгин, ой қизим,
Бировнинг боласи уйимда.

Ёрдам қил, сиқиб бер ўсмасин,
Бахтингни йўлини тўсмасин,
Совчига ёмонлаб қўймасин,
Бировнинг боласи уйимда.

Чимирилмасин деб қошлари,
Авайлаб шу келин пошшани,
«Сиз-сиз»лаб ҳайдайман пашшани,
Бировнинг боласи уйимда.

Койишар: «Эркалаб, куласан,
Келинга «майли» деб турасан...»
Бошингга тушганда биласан,
Бировнинг боласи уйимда.

Нонини куйдирса, майлига,
Идишни синдирса, майлига,
«Адвакат»ман ўша Лайлига,
Бировнинг боласи уйимда.

Болам дер, гапирсам: «Уф, бўпти»,
Билмадим, балки «куф-суф» бўпти,
Ўғлим ҳам қўшилиб, жуфт бўпти,
Бировнинг боласи уйимда.

Майли, мен – қайнона, қайнамай,
Келин ҳам тек юрсин, айнамай,
Бу ҳам бир кўргилик, айланай,
Бировнинг боласи уйимда.

Меҳр-ла кўнгиллар бойланар,
Қаҳр-ла юраклар лойланар,
Бир кун ўз боламга айланар,
Бировнинг боласи уйимда.

Марҳабо дер: ичим кон, дўстлар,
Учрашиб турайлик, жон дўстлар,
Ҳасратдан юрагим қон, дўстлар,
Бировнинг боласи уйимда.

ЎҒИЛ БОЛАНГ – БИРОВНИНГ ҲАСМИ

Ўғилми қиз – бари ўз боланг,
Қизлар – меҳмон, дейишар расми,
Ўзингники асли - қиз боланг,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Ўстирасан бўлиб парвона,
Эга чиқар битта жонона,
Бу савдога бўлма ҳайрона
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Унутса ҳам ўз онасини,
Туғилган ҳовли – хонасини,
Унутмайди қайнонасини,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Қизинг жонин илиниб турар,
Юраклари тилиниб турар,
Меҳри кўздан билиниб турар,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Соғинганда йиғламай кутгин,
Ичикмасдан ўзингни тутгин,
Кўз ёшингни «қулт» этиб ютгин,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Уй-рўзғори бўйнида хуржун,
Боламга дер, Худо берган кун,
Дуо қилу, чиқармагин ун,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Юрагининг устуни – ёри,
Совуққотса пўстини – ёри,
Боласига топгани, бори,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Уришсалар қози бўласан,
Ўртада тарози бўласан,
Ўлимингга рози бўласан,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Иши тушса ёнингга чопар,
Ҳиндистонда бўлсанг ҳам топар,
Бошқа пайт кутма эй, модар,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Хафа бўлсанг койиб, тонасан,
Кечирасан, чунки онасан,
Тушун, мунча куйиб - ёнасан,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Жанжал қилма, онамисан, бас!
Келин сенинг кундошинг эмас,
Ўғлинг энди сирдошинг эмас,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Совчиликка боришдан олдин,
Сандиққа сеп солишдан олдин,
Бир мантиққа кўникиб олгин,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Келса-ю келмаса, дуо қил,
Билса-ю билмаса, дуо қил,
Берса-ю бермаса, дуо қил,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Меҳнатларинг - Тангрим йўлига,
Заҳматларинг – Тангрим йўлига,
Қаратиб қўймасин қўлига,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

Келинга гапирсанг мулойим,
Ўғлинг сендан рози ҳар доим,
Бу ҳаётдир, Марҳабо ойим,
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми.

ҚИЗИМ, ҚАЙНОНАНГ – ТИЛЛО

Қизгинамни узатдим,
Ўз уйига кузатдим,
Кетарда бир сўз айтдим:
Қизим, қайнонанг – тилло.

Аразлаб келар қизим,
Жовдираб турар кўзим,
Безиллаб туриб ўзим,
Дедим: қайнонанг – тилло.

Дер: «Қайнонам тили ўқ,
Койиб, нолиб, урар дўқ,
Кўнгил билан иши йўқ...»
Дедим: Қайнонанг – тилло.

– Кечирмас, бурни осмон,
Эрим яхши, у – ёмон.
– Бекор айтибсан, нодон, –
Дедим, – Қайнонанг – тилло.

Икки қўлдан чиқар қарс,
Мулойим бўл, келгин паст,
«Хўп бўлади», десанг бас,
Қизим, қайнонанг – тилло.

Арз қилиб келгандаям,
Ҳар нима дегандаям,
Қизим ҳақ бўлгандаям,
Дедим: Қайнонанг – тилло.

Кутиб олиб ўзини,
Бошламаедан сўзини,
Бекитаман оғзини:
Қизим, қайнонанг – тилло.

Қайтиб келса, «бор», – дедим,
«Сенга уйим тор», – дедим,
«Пешона бозор», – дедим,
Дедим: Қайнонанг – тилло»

Қизгинамни оврайман,
Телефондаям сайрайман,
Уйқумдаям жоврайман:
Қизим, қайнонанг – тилло.

Чархни бузган-парраси,
Қизни бузган-онаси,
Бузмай ўлсин онаси!
Қизим, қайнонанг – тилло.

Уйини-уй бўлсин деб,
Айрилмоқни кўрмай эп,
Битта билан ўтсин, деб,
Дедим: Қайнонанг – тилло.

Қиз узатиб тўйлабман,
Қутилдим, деб ўйлабман,
Бекорларни сўйлабман,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Қизингмидур ўғлингдур —
Бари юрак қўрингдур,
Тинчимаса шўрингдур,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Марҳабохон йиғлаб дер:
Юрагим қони-бу шеър,
«Тиллохон»га инсоф бер,
Қизим, қайнонанг — тилло.

Тугамайди ғавғоси,
Адо қилди савдоси,
Қиз туққанинг жазоси —
«Қизим, қайнонанг — тилло».

ҚИЗИМ АРАЗЛАБ КЕЛДИ

Аёл эдим бир жаҳон,
Гўзал, қувноқ, соғ-омон,
Рангим бўлди заъфарон,
Қизим аразлаб келди.

Эри айниб турганмиш,
Ким биландир юрганмиш,
Бир шапалоқ урганмиш,
Қизим аразлаб келди.

Дедим: Айб ўзингда,
Қўпол-қўпол сўзингда,
Пардози йўқ юзингда,
Қизим аразлаб келди.

Дердим: кулиб кутиб ол,
Тергамасдан сўра хол,
Силаб-сийпаб йўлга сол,
Қизим аразлаб келди.

Ўсма қўймай юрмагин,
Қовоқ солиб турмагин,
Эски кўйлак киймагин,
Қизим аразлаб келди.

Жоним болам, битта бил,
Эринг- пошшо, эринг- пир,
Овқатини ширин қил,
Қизим аразлаб келди.

Болалари қайсар, шўх,
Қарамасанг босар чўғ,
Тумтаяди қилсанг дўқ,
Қизим аразлаб келди.

Деёлмайман «тўхта, ҳой»,
Пардаларим шалтоқ, лой,
Ковушларим пойма-пой,
Қизим аразлаб келди.

Акалари авайлаб,
Боласин турар мақтаб,
Тегиб кетар битта гап,
Қизим аразлаб келди.

Келинларим зириллар,
Киприклари пириллар,
Не тилайди кўнгиллар?
Қизим аразлаб келди.

Ўн беш кун бўлган куни,
Соғинар ўз уйини,
Пойлар эрин йўлини,
Қизим аразлаб келди.

Инжиқлиги ортади,
Йиғлайди, «ух» тортади,
Болаларин туртади,
Қизим аразлаб келди.

Уй ғалвага тўлади,
Дўсту-душман билади,
Қочиб кетгим келади,
Қизим аразлаб келди.

Камиб кулгу ҳандаси,
Қайнар эрим зардаси
— Сабр қилинг, дадаси,
Қизим аразлаб келди.

Дардим тўлиб тошодур,
Юрак ўйнаб шошодур,
Қон босимим ошодур
Қизим аразлаб келди.

Марҳабохон, дил ярим,
Тўкилди болу парим,
Хабар олинг дўстларим,
Қизим аразлаб келди.

КУЁВИМГА ИЛТИЖО
(Қизим аразлаб келганда)

Куёв болам — ўз болам,
Менинг қора кўз болам,
Тилимда бир сўз, болам,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Эрка болам, арслоним,
Ойим турган осмоним,
Қўлингиздадир жоним.
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Йигит борми сиздай мард,
Юраги тоза, бегард,
Икки дунё кўрманг дард
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Биз-темир, сиз-тиллосиз,
Биз-оми, сиз-муллосиз,
Биз-нодон, сиз-доносиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Қизимнинг ўзи аҳмақ,
Юрарди сизни мақтаб,
Бир кепти-да аразлаб,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Тириклик деб юрсангиз,
Уй-жойим деб турсангиз,
Нима қипти урсангиз,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Рўзғор хуржун бўлади,
Гоҳ камиб, гоҳ тўлади,
Хотин деган кўнади.
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Болам, сизда ихтиёр,
Бўлмайлик озор-безор,
Ўртада болалар бор,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Кўп яшанг юзга етинг,
Қиз тушгурни авф этинг,
Алдаб-сулдаб обкетинг,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Ишламай ётсангиз ҳам,
Маст бўлиб қотсангиз ҳам,
Чойнакни отсангиз ҳам,
Қизим — ёмон, сиз — яхши.

Бўлсангиз ҳам майдагап,
Юрсангиз ҳам ўнгу чап,
Мен ҳамиша сиз тараф,
Қизим – ёмон, сиз – яхши.

Соғлиғида – сизники,
Ўғлиники, қизники,
Касал бўлса – бизники,
Қизим – ёмон, сиз – яхши.

Тахсиримсиз, хўжамсиз,
Қимматбаҳо ўлжамсиз,
Ўзим очган жўжамсиз,
Қизим – ёмон, сиз – яхши.

Марҳабохон, уққаним –
Гўнгга ғунча суққаним,
Гуноҳим – қиз туққаним,
Қизим – ёмон, сиз – яхши.

МУРОСАСИЗ КЕЛИНЛАРДАН ДОД!

Онам ўлса «дод!» демаганман,
Эрим урса «дод!» демаганман,
Бир савдодан куйди жону тан,
Муросасиз келинлардан дод!

Нима экан билмадим сири,
Олаяди бирига-бири,
Ҳеч бўлмаса дўст эмас тили,
Муросасиз келинлардан дод!

Чимирилиб тургани қайси,
Қовоқ солиб юргани қайси,
Боласини ургани қайси,
Муросасиз келинлардан дод!

Бир-бирини силталаган чоғ,
Юрагимга санчилар пичоқ,
Ўғилларим бўлишди тарқоқ,
Муросасиз келинлардан дод!

Кўнглим тинмас бир ерга чиқиб,
Бири бирин олса-я чўқиб,
Яшаяпман безиллаб, қўрқиб,
Муросасиз келинлардан дод!

Қанотимни қайриворишди,
Жигарларни айриворишди,
Обрўйимни лойга қоришди,
Муросасиз келинлардан дод!

Талашасан нимани, нодон?!
Пойингда ер, бошингда осмон,
Бу дунёга ҳаммамиз меҳмон,
Муросасиз келинлардан дод!

Ўтмиш бўлса нима дер эди?
Тўрт хотинга битта эр эди,
Ўшаларам «шукр» дер эди,
Муросасиз келинлардан дод!

Асти одам бўлишармикин?
Чирой очиб кўришармикин?
Ахил бўлса ўлишармикин?!
Муросасиз келинлардан дод!

Бошқа уйим бўлганда, ё Раб,
Шулар билан юрмасдим яшаб,
Кетар эдим шу уйни ташлаб,
Муросасиз келинлардан дод!

Ерга қамиш, бўйрами тўшаб,
Аталами, умочми ошаб,
Чолим билан юрардим яшаб,
Муросасиз келинлардан дод!

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Оёғимни — ўғил қилволсам,
Қўлларимни — келин қилволсам,
Қилар эди не ишга солсам,
Муросасиз келинлардан дод!

Доно келин элтузар — зиё,
Нодон келин юртбузар — бало,
Шуларга ҳам инсоф бер, Тангрим,
Муросасиз келинлардан дод!

Безор бўлдим қовоқ-қошидан,
Кечдим қилган нону-ошидан,
Хизматиям қолсин бошидан,
Муросасиз келинлардан дод!

Марҳабохон, боқмай ёшимга,
Ўлим келса қўққис бошимга,
Ёзиб қўйинг қабр тошимга:
«Муросасиз келинлардан дод!»

«АСАЛ ОЙИ»

Чет элда тўйдан кейин,
Ёшлар тарк этиб уйин,
Бир ой саёҳат, ўйин —
«Асал ойи» бошланар.

Ўзбекларда бошқача,
«Асал ойи» — бир кеча,
Сўнг ҳар тонг супур кўча,
«Саҳар ойи» бошланар.

Бечора келин-куёв,
Тунда учрашар бирров,
Сўнг кўнгил айниб дарров,
«Ташар ойи» бошланар.

Бўлишар ота-она,
Олти йилда тўрт бола,
Мактабга-ю, боғчага,
«Чопар ойи» бошланар.

Керак кўп пул топиши,
Уй, қуриб, том ёпиши,
Камлик қилиб, чопиши,
«Учар ойи» бошланар.

Қиз етилгач узатиб,
Зеб-зийнат-ла кузатиб,
Сандиғларни бўшатиб,
«Сочар ойи» бошланар.

Келин чиқса беадаб,
Кўчага ташийди гап,
Хонадон сирин боплаб,
«Очар ойи» бошланар.

Билгунча ўнгу-чапни,
Тушунтиролмай гапни,
Йиғлаб-сиқтаб асабни,
«Бузар ойи» бошланар.

У болангда у ғалва,
Бу болангда, бу ғалва,
Тинч ўтириш қаёқда?
«Заҳар ойи» бошланар.

Ўғил-қизнинг савдоси,
Битмас экан ғавғоси,
Кетга тегиб навдоси,
«Касал ойи» бошланар.

Уйлаб-жойлаб, «қутилиб»,
Ташвишларга тутилиб,
Соч оқариб, хол қуриб,
«Яшар ойи» бошланар.

Ўзи-чун шўрлик банда,
Яшашни бошлаганда,
Охират диёрига,
«Сафар ойи» бошланар.

Бу бир эски ақийда,
Бундай яшамоқ хато,
Ҳаётнинг ҳар онини,
Эҳтиёт қил, Марҳабо.

Бериб қўйма юракни,
Ташвишларнинг қўлига,
Ўғил-қиз ҳам, жигар ҳам,
Ҳаммаси ўз йўлига.

Тақдирнинг ҳеч ишини
Қолипга сололмайсан,
Оллоҳнинг дунёсини,
Сен бошқара олмайсан.

«Нега ундай, бундай?» деб,
Қилаверма ташвиш, ўй,
Эплай олмаяпсанми,
Ўз ҳолига ташлаб қўй.

Ҳаёт не бўлса-бўлди,
Охират ғамини қил.
Буям битта рўзғоринг,
Неси йўқ, камини қил.

Шукру тавозеъ ила,
Уриб турса ҳар юрак,
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси,
Асал бўлиши керак.

ҚУТУЛАСАН

— Болалардан қутулганмисиз?
— Алҳамдулиллаҳ, қутулганман.
Суҳбатдан.

Ўғил уйладинг алхол,
Қиз узатдинг йиғиб мол,
Нафасингни қаттиқ ол,
Қутуласан-а, қутуласан!

Энди «чаллар»- чақириқ,
Ҳар шаҳарда ҳар қилиқ,
Мол кетар сандиқ-сандиқ,
Қутуласан-а, қутуласан!

Шу билан битсайди иш,
Ҳам қувончу, ҳам ташвиш,
Керак суннат тўй қилиш,
Қутуласан-а, қутуласан!

Суннат бўлган ёш бола,
Ясанар ота-она,
Кутар қарзи хасана,
Қутуласан-а, қутуласан!

Гоҳ қиз келар тумтайиб,
Икки ёққа гап чайиб,
Ўзи оппоқ-беайб,
Қутуласан-а, қутуласан!

Қўлида бир боласи,
Қорнида бир боласи,
Ёмонмиш қайнонаси,
Қутуласан-а, қутуласан!

Гоҳ шўхлик қилар куёв,
Гапи келади дарров,
Бари жонингга эгов,
Қутуласан-а, қутуласан!

Келин бошласа ғалва,
Бу кўрганларинг-холва,
Астағфирулло, тавба!
Қутуласан-а, қутуласан!

Қўлин қўйиб белига,
Сапчиб турса эрига,
Ботиб ғазаб терига,
Қутуласан-а, қутуласан!

Ўғлинг бошлайди: «Эсиз,
Кўп эди дунёда қиз,
Шуни ўзиз топгансиз»,
Қутуласан-а, қутуласан!

Туғиб қўйганинг учун,
Боқиб қўйганинг учун,
Сендан олишар ўчин,
Қутуласан-а, қутуласан!

Ҳар кун баҳор, ёзу қиш,
Чиқиб турар бир ташвиш,
Бу не ҳаёт, бу не иш?
Қутуласан-а, қутуласан!

Боланг пули халтада,
Сенинг пулинг ўртада,
Буям янгича мода,
Қутуласан-а, қутуласан!

Эркагу хотин яна,
Ҳайдашади машина,
Омон келармикин-а?
Қутуласан-а, қутуласан!

Эшикка қараб зир-зир,
На ош ва на нон татир,
Ичинг тўла хавотир,
Қутуласан-а, қутуласан!

Кўчадаги мой ютар,
Уйдагилар қон ютар,
Бу кунлар қачон ўтар,
Қутуласан-а, қутуласан!

Ота-она токи бор,
Болага қул, хизматкор,
Бошқа изоҳ не даркор?!
Қутуласан-а, қутуласан!

Эй, Марҳабо, бечора,
Сўраб қолишса яна:
«Қутилганман», дейсан-а,
Қутуласан-а, қутуласан!

Уйлаб-жойлаб меҳнатнинг
Зўррoғига тутиласан.
Қутуласан-а, қутуласан!

ҚУДА БЎЛДИК

Яшар эдик бўлиб ўртоқ,
Бир-бировга очиб қучоқ,
Ўтсиз қолди энди ўчоқ
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Ёқалашдик ёшларни деб,
Шу икки бебошларни деб,
Биров еган ошларни деб,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Ака-ука, опа-сингил,
Гаплашардик гангир-гунгир,
Аразлашдик, қолди кўнгил,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Қариндошлар тараф-тараф,
Жовдирашар бизга қараб,
Гурунглашолмаймиз яйраб,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Қўшним эди жонажоним,
Битта эди дастурхоним,
Қўшилганда энди қоним,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Яхшийди-я ниятимиз,
Чиқиб қолди иллатимиз,
Эсизгина меҳнатимиз,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Қарамадик ўнгу-чапга,
Қулоқ солдик майда гапга,
Ҳасрат қилдик чор тарафга,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Фарзандлар-ку яшар бирга,
Ёмон бўлди фақат бизга,
Кўрпа куйди, тирик бурга,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Эслаб ёмон сўзимни ман,
Уришаман ўзимни ман,
Энди очдим кўзимни ман,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Миннатли ош тузим қурсин!
Андишасиз юзим қурсин!
Шу чақимчи қизим қурсин!
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Огоҳ этай энди сизни,
Бегонага беринг қизни,
Нима жинлар урди бизни,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

Марҳабохон, бу дунё кенг,
Кимки тўйга шимарса енг,
Таваккалту ал-аллоҳ, денг,
Қуда бўлдик-жудо бўлдик.

ҲАСРАТ

Қиз топ, йигит бойи учун,
Куёв топ, қиз ойи учун,
Бир кийимлик шойи учун,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Яшамасдан тинч, бахтиёр,
Бир-бирига берар озор,
Жанжал чиқса ман - айбдор,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Бахтли дамда эсламайди,
Бир нон билан йўқламайди,
Милтиғингни ўқла, майли,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Хўмрайса йигит отаси,
Тумтаяр қизнинг онаси,
Кўришмай ўтар боласи,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Оллоҳсиз бахт келишмайди,
Наҳот шуни билишмайди,
Пешонадан кўришмайди,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Қуда томонни кўндириш-
Бармоғингга қуш қўндириш,
Осмонми, бир иш дўндириш?
Ўртада турмай, ман ўлай!

Қон қилади эрим сўкиб,
Ҳар кўрганда заҳрин тўкиб,
Адо бўлдим кўнглим чўкиб,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Менга нимайди қиз топиб?!
Икки ёққа тинмай чопиб,
Кучугиям кетар қопиб,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Тинч ўтирсам бўлмасмиди?!
Қорним ўлгур тўймасмиди?!
Эрсиз қолиб ўлмасмиди?!
Ўртада турмай, ман ўлай!

Ўйлабманки, савоб бўлар,
Бир кун яхши жавоб бўлар,
Ичим куйиб кабоб бўлар,
Ўртада турмай, ман ўлай!

Қадри кетган олтин бўлдим,
Бир эси йўқ хотин бўлдим,
Марҳабохон отин бўлдим,
Ўртада турмай, ман ўлай!

СЕЗГИР ОНА

Ўғил деди онага:
Кўрсатаман икки қиз,
Қайси менга ёқишин ,
Билиб олинг ўзингиз.

Бири пушти кўйлакда,
Бирининг кўйлаги оқ,
Иккисиям чиройли,
Гўзалликда — қўғирчоқ.

Биттасини кўрганда,
Кўнглим нурга тўлади.
Топволинг-чи, қай бири
Сизга келин бўлади?

Она кўнгли сезаркан,
Топди ўғли суйганин,
Деди: Менинг келиним —
Пушти кўйлак кийгани.

Ўғил деди: Офарин!
Топдингиз-а, онажон,
Қойил қолдим, ҳушёрсиз,
Адашмайсиз ҳеч қачон.

Энди айтинг, қоши ё,
Кўзидан сездингиз? — Йўқ.
— Туриши, юриши ё,
Сўзидан сездингиз?- Йўқ.

— Бўлмаса қандай қилиб,
Юрагингиз сезяпти?
— Билмадиму, шу қизни
Кўрсам, ғашим келяпти.

ТАСАЛЛИ

Менинг эрим «юриб» кетди,
Юрак —бағрим куйиб кетди,
Ўзим билсам гўрга эди,
Бу овоза бўлиб кетди.

Кеч келади ишидан ҳам,
Айрилгандай ҳушидан ҳам,
«Юрган»ини билса бўлар,
Кўраётган тушидан ҳам.

Рўзғор, бола менга қолиб,
Ўтиради ўйга толиб,
Телефони жирингла_са,
Гаплашади бекинволиб.

Ҳар нодон дер: «Фолбинга бор,
«Иссиқ-совуқ», сеҳр бергин.»
Бирон доно айтмайдики,
«Эрингни сев, меҳр бергин.»

Болаларим билишмасин,
Кўз ёшимни кўришмасин,
Кўнгли қолиб, отасини
Ёмон кўриб қолишмасин.

Қайнар ғийбат: «Ия-ия!
Эриз уйланвоганмиш-а?!»
Ёнин олиб уришаман:
«Ажаб қипти, сизга нима?!»

Опам бошлар мени кўрса:
— Хотинбозмиш эринг роса,
— Нима қилсин, «хотин»лариз,
Ўзлари эркакбоз бўса?!

Эплабтими юриб олсин,
Майли, ўйнаб — кулиб олсин,
Менинг мулки давлатимда
Давру даврон суриб олсин.

-Вой, сен - ахмақ, вой, сен — беор!
Сенга керак бўлмаса ёр,
Сот, ким ошди савдосида,
Маҳаллангга очиб бозор.

Поччангни кўр, қандай эркак!
Чакки юрмас, тоза юрак!
— Менинг эрим зўр-да, сизи
Латта эриз кимга керак?!

— Вой, зўр бўган эринг қурсин!
Бино қўйган шеринг қурсин!
Сенга жоним куйдими-я,
Юрмағидан ортиқ юрсин!

Қизғонмайдиям, ҳе, сани,
Ортиқ яна керилгани!
— Нимасини қизғонаман,
Туфлимиди йийилгани?!

Ғийбат қилиб очманг бозор,
Ҳамма ишнинг фурсати бор,
Энди битта опти, асли
Тўрттагача «рухсат»и бор.

Юраману, бермай сирим,
Аммо юрак тилим-тилим,
Кундошли хотинлар бекор,
Чекишмаган экан чилим.

Ким у жонон, билгим келар,
Афтини бир кўргим келар,
Тутиб олиб сочларини,
Битта-битта юлгим келар.

Боргим келмас меҳмонгаям,
Боққим келмас инсонгаям,
Жанжал қил, деб гиж-гижлайди
Иш топилди шайтонгаям.

— Етиб бор, — дер, ўша ерга,
Иккалови ҳозир бирга.
— Бормайман-е , жинниманми,
Ғуруримни уриб ерга?!

Эҳ, не фойда уришлардан,
Қозилашиб юришлардан,
Ўқ отайин кундошимга,
Мағрур қараб туришлардан.

Эр кўнгли – қуш, учиб кетар,
Совуқ юртдан кўчиб кетар,
Тутмоқ учун дон сепайин,
Милтиқ отсам, қочиб кетар.

Ранжимасин эрим, майли,
Зўр аёл эр талашмайди,
Боплаб қўяр эдим-ку-я,
Бу иш менга ярашмайди.

Нодонга донолик қилай,
Саҳрога дарёлик қилай,
Номард қилса бегоналик,
Мен унга ошнолик қилай.

Жилсин десам тош жойидан,
Бўлай эримнинг пойидан,
Қуёш бўлиб меҳрим сочиб,
Айнитай ўша ойидан.

Пардозлаб юз, қошу кўзни,
Қувноқликка солиб ўзни,
Ҳар тонг қараб тош ойнага,
Такрорлайман битта сўзни:

Минг турлансин ўша Лайли,
Марҳабога ўхшолмайди!
Кийган билан ковушимни,
Қилолмайди юришимни!

«ТАДБИРКОР» АЁЛ

Яхши одам, зўр одам,
Болларимнинг дадаси,
Аммо мени куйдирган,
Шу одамнинг зардаси.

Арзимаган нарсага,
Феъли келиб қолади,
Қўлига нима кирса,
Ўша билан солади.

Авлоду-аждодимни
Бирма-бир «ўқиб» чиқар,
Болаларниям ҳатто,
Эринмай сўкиб чиқар.

Мен – айбдор, мен – ёмон,
Ўзи – оппоқ, гулдаста,
Шунча йиллик хотинин,
Лойга булар бир пасда.

Қўяр зумда дунёни,
Ғалва билан тўлдириб,
Аламимдан шу тобда,
Қўйгим келар ўлдириб.

Аммо «ғиринг» демасдан,
Пасайишин кутаман,
Олишсам ёмон бўлар,
Индамасам-ютаман.

Баъзан юрар ё кўзим,
Ё пешонам кўкариб,
Жаҳли кетгач «кечир» дер,
Қўлларини кўтариб.

Опам жаврар эшитиб:
— Инсоф билан турти, ур,
Битта гапга шунчалик,
Қиладими, ер ютгур!.

Эрга қирон келганми?!
Айрилади, кетади,
Онам айтар: — Ўлсаям,
Битта билан ўтади!

Сабр қилмай ёмонга,
Яхшисига қочасан,
Қўйиб берса сенларга,
Эр бозори очасан.

Опам дер: — Гулдай аёл,
Сўлиб кетса майлими?
Шу золимнинг қўлида,
Ўлиб кетса майлими?

— Эри-хотин уруши —
Дока рўмол қуриши!
Ўзгармади ҳеч эрим,
Ўша-ўша туриши.

Бир кун яна уришди,
Ёқмай пиширган ошим,
Лаган билан бир солди ,
Ёрилай деди бошим.

Йигирма йил яшадим,
Чидаб калтакларига,
Жондан ўтди бу сафар,
Қўл силтадим барига.

Қарор қилдим: — Кетаман!
Хувилласин хонаси,
Эрим деди: — Кетмагин,
Пул бераман, онаси,

Пул дарагин эшитиб,
Қизим тушди ёдимга,
«Кўйлак олиб беринг», деб,
Тегётганди жонимга.

Шу тоб бирдан жим бўлдим,
Урушдим на талашдим,
Қизгинамга кўйлак деб,
Эрим билан ярашдим.

Қизим кўйлагин кўриб,
Пўнғиллади ўғлим сал:
«Эсизгина, менгаям
Керак эди пойабзал.»

Дедим: «Сабр қил, болам,
Ҳали бой бўб қоламиз,
Яна бир калтак есам,
Сенга туфли оламиз».

Кутар эдим яна бир,
Кўтаришин қўлини,
Ахир энди топгандим,
Пул ишлашнинг йўлини.

Айтардим бир камимни,
Кўпайтириб тўрттага,
Баъзан гапларимниям,
Қайтарардим жўртага.

Урушдан ҳеч дарак йўқ,
Синмади қўл, белим ҳам,
Пули кетиб инсофга,
Келиб қопти эрим ҳам.

Туртимайди, сўкмайди,
Нима жинлар урипти?
Ўғлим ҳалиям эски
Туфлисида юрипти.

Гулда ё, пулда бўлса,
Ажаб, эркак хаёли,
Ўлётиб ҳам «болам» дер,
Ўзбекларнинг аёли.

ГУЛДАСТА

Кўксинг ёниб кетаркан,
Севиб қолсанг агарда,
Ўқигандим мен буни,
Қайсидир бир асарда.

Эрим гул олиб келди,
Менга берди айвонда,
Бир-бирини имлашиб,
Келинларим ҳайронда,

Қотиб қолдим хайратдан,
Не бўлди бу кишига?
Тушунолмай лол эдим,
Бу дунёнинг ишига.

Йиғлавордим бахтимдан,
Яратганга ташаккур,
Қариганда бўлсаям
Қадр топдим минг шукр.

Қандай нозик гулдаста!
Қойил қолдим дидига,
Дейсиз, гўё ёш йигит,
Опти севган қизига.

Шунча гўзал бўлурми,
Оддий атиргул, наргиз?
Ғунчалари йўргакда,
Тиканлариям нафис.

Гулдай гўзал бўп кетди,
Эримнинг қош кўзиям,
Ўн минг сўмдан камига,
Омагандир ўзиям.

Шунча пулга бу гулни,
Севганидан олганда,
Баъзан пиёла отса,
Дебман: кўнгли қолган-да.

Севмайди, деб ўйлабман,
Қарамаса қайрилиб,
Сал бўлмаса бир йили,
Кетай дебман айрилиб.

Эрим ўзи жентельмен!
Эрим ўзи меҳрибон!
Уриб, чертиган бўлса,
Аслида ўзим ёмон.

Баъзан тортишиб қолсак,
Қолмасидим бир гапдан,
Ювош турганим билан,
Менам чаканамасман.

Шу бугундан севаман,
Бақирсаям майлига,
Бир лаҳзада айландик,
Мажнун билан Лайлига.

Гулдастани гулдонга,
Солиб қўйдим авайлаб,
Шу бугун пардоз қилай,
Эрим учун атайлаб.

Тош ойнага боқдиму,
Уялиб кетдим фақат,
Мени хотин қиб юрган,
Шу одамга минг раҳмат!

Қани бел, қани елка?
Қани қош, қани киприк?
Лаънат сенга, аёлни
Чалғитган, тирикчилик!

Ўша куни ўзимга,
Кашф қилдим бир оят:
Бепардоз юриш - эрли
Аёл учун жиноят.

Созладим қош-кўзимни,
Ботиб ширин хаёлга,
Бир соатда айландим,
Кўҳликкина аёлга.

Тугаб қопти, ўлсин-а!
Атирларам бир қиммат,
Келинлардан сўрашга,
Бўларкансан хижолат.

Омон бўлсин шу эрим,
Олдираман зўридан,
«Макс фактр», «Мери Кей»,
«Орифлейм» ҳар туридан.

Қилиб қўйдим ораста,
Сочу турмакларимни,
Янгилашим керак бир,
Ички кўйлакларимни.

Тақилди неча йиллар,
Тақилмаган мунчоғим,
Гулдастанинг ҳидига,
Тўлиб кетди ётоғим.

Бу бир буюк кун эди,
Гадо етгандай тожга,
Мисоли Расул каби,
Юксалгандим меърожга.

Шу кун эрим ҳам гўё,
Нур сочарди оламга,
Исо масиҳдек бўлиб,
Кириб келди хонамга.

Мани кўриб кўзлари,
Катта-катта очилди,
Қўлидаги газета,
Ерга тушиб сочилди.

Назокат билан, секин
Дедим: «Раҳмат, гул учун».
Эримнинг кўзларидан,
Сочилар эди учқун.

«Қимматдур?» деб, ноз билан,
Юзларимни ёпволдим,
Эрим деди: «Билмадим,
Йўлакчадан топволдим».

НАВОИЙГА ҚЎШНИ БЎЛСАМ...

Яратгандан ҳали анча қарзим бор,
Қилолмаган қанча суннат, фарзим бор,
Кулмасангиз биттагина орзуим бор:
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Ўртадаги деворимиз гуллардан,
Хизматкорлар бўлар,балки хурлардан,
Мен ул зотни қизғонардим улардан
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Ғазал айтса навосига жўр бўлиб,
Тонглар ҳамду саносига жўр бўлиб,
Йиғлай-йиғлай қолмасайдим кўр бўлиб,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Уйларига Бобирмирзо келарди,
Яссавий ,Машраб,Хувайдо келарди,
Оҳ, қандоғам ажойиб иш бўларди,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Гуллар узиб чиқарардим боламдан,
Ошлар сузиб чиқарардим боламдан,
Майли эди кетсам ёруғ оламдан,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Сўрашса: «Сиз қайеридан жаннатнинг?»
Айтар эдим; «Қўшнисиман ҳазратнинг»
Кераги йўқ бошқа мулки давлатнинг,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Роббим Оллоҳ, шафқатингга кўмилсам,
Васлинг оби- раҳматига чўмилсам.
Майли ўлсам, тупроғингга кўмилсам,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

– Эй Марҳабо, бу не орзу , не ҳавас,
Қўшниликка арзийсанми сендай кас?
– Яратганга осон ахир, ажабмас
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

ПОКЛИККА ҚАСИДА

«Рўмолсиз келибман, узр»
Муҳтарама Улуғ.

Ҳаё чимилдиғида юзларингиз ҳижобда,
Мискинлик ҳаририда кўзларингиз ҳижобда,
«Рўмолсиз кебман», дея бўлманг, бону, хижолат,
Андиша пардасида сўзларингиз ҳижобда.

Яшадингиз дарвешдай сабрдан чодир қуриб,
Орзулари сиғмаган кўксингизга бир уриб,
Тириклик сўқмоғида гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб,
Ҳалоллик-ла топган нон, тузларингиз ҳижобда.

Яшар не-не шоирлар замонага мослашиб,
Булбулликни тарк этиб, тўтиликка хослашиб,
Доноликдир жим турмоқ, бу дам бир оз четлашиб,
Сукут ичра ростлару розларингиз ҳижобда.

Ишқ ёққанда оловлар ўртандингиз, «ҳа, энди...»
Ҳижрон ёғса қировлар тўлғандингиз «ҳа, энди...»
Сўзга тугиб дунёни кўтаролсак қанийди,
«Ҳа, энди»-ла олову музларингиз ҳижобда.

Яшаганда тортиниб, меҳмонларга ўхшайсиз,
Ўзни паст олган сари осмонларга ўхшайсиз,
Шайтон дахл қилмаган қўрғонларга ўхшайсиз,
Нур ичинда баҳору кузларингиз ҳижобда.

Яхшиям бахтингизга қўшиқ бор-а, азизим,
Бўлиш мумкин лаҳзада бахтиёр-а, азизим,
«Сояйи»ни куйлагач, руҳда бошланса базм,
Юрак чертиган «дук-дук» созларингиз ҳижобда.

Сиздай яшаш керакдир асли ҳар муслим аёл,
Оғир, вазмин, мулойим, тўғри сўз, тўғри хаёл,
Бу янглиғ хулқи жамил сиздан ўтган эҳтимол,
Поклик ичра ўғилу қизларингиз ҳижобда.

Эгнида либос, кўнгли яланғоч Марҳабоман,
Бошида рўмол, фикри ялангбош Марҳабоман,
Шайтонга гоҳ душман, гоҳ қариндош Марҳабоман,
Сизнинг ҳатто ердаги изларингиз ҳижобда.

Бир мато бўлсангизу эҳром қилиб кийволсам,
Ё кўнгил пештоқига байроқ қилиб илволсам,
Атлас бўлмай шундаям бўлардингиз беқасам,
Камтарлик шойисинда бўзларингиз ҳижобда.

Нима у рўмол, ҳижоб, бу покликнинг олдида?
Нима у арши аъло, бу хокликнинг олдида?
Нима менинг иймоним, бу оқликнинг олдида?
Ҳижолат-ла қимтинган кезларингиз ҳижобда.

Ойнамсиз, сизга боқиб ўнглайман рўмолимни,
Тузатаман оғишган фикримни, хаёлимни,
Рўмолим мени эмас, сизни кўпроқ танийди,
Умримда бир кун сизга ўхшаёлсам қанийди.

КАЪБАТУЛЛОҲГА МАКТУБ

Сени йўқлаб боролмасман, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел,
Ўзимча йўл сололмасман, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел,
Қилиб ният етолмасман, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел,
Хаёлинг тарк этолмасман, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Гуноҳкор нотовондурман, ўқиб ҳеч бўлмадим мулло,
Топиб ақча, едим, кийдим, ва ле йиғолмадим тилло,
Сени кўргим келиб найлай, ўзингга қилдим илтижо,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Қилсам тавба, тазаррулар, деворингга уриб бошим,
Мени авф эт, дея йиғлаб, тугатсам кўздаги ёшим,
Чўкиб тиз, етти айлансам, етарди сабри-бардошим,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Келсанг арзир Навоийнинг изи тушган Самарқандга,
Деворларига Оллоҳнинг сўзи тушган Самарқандга,
Келин бўлиб Бибихоним ўзи тушган Самарқандга,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Бўлсанг меҳмон Бухоройим, ер узра қайси юртдан кам?
Мозорлари сочодир нур, лойи ҳам мўмиё, малҳам,
Босиб Қуръонни бағрига, яшаб келди бу юрт ҳар дам,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Ярашгайдур келиб Термизга, ё Кешга макон қилсанг,
Кўқон ё, Шаҳрисабз, Фарғона ё, Ўшга макон қилсанг,
Муносибдир Наманган, Хоразм, Тошкент агар билсанг,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Кўтармоқ қўл ҳаром мўминга, деб юртдан кетар Бобур,
Этиб тарк Андижонин, будпараст Ҳиндга етар Бобур,
Тилининг ярми «Аллоҳ», ярми «Анжон», деб ўтар Бобур,
Ижозат берса гар Аллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Бу тупроқ ҳам азиз, Ҳақ деб юракни доғлаганлар кўп,
Висоли, ҳам ризоси деб, белини боғлаганлар кўп,
Етарманми, дебон сенга, менингдек йиғлаганлар кўп,
Ижозат берса гар Аллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Келсанг бунга Сафо, Марва ва ҳам «Зам-зам» ила келсанг,
Арофату Минодек йўлдошу махрам ила келсанг,
Чиқарди эл кутарга, оху-афғонлар ила билсан,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Сен Оллоҳнинг уйидирсан, кўриб бахтга тўлодирман,
Гуноҳимни айтиб йиғлаб, булутдек тўкилодурман,
Сени қучсам, уни қучган каби сархуш бўлодурман,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Ато этса қанот Ҳақ, сен томонга қуш бўлиб учсам,
Айтиб «Лаббайкани», йиғлаб, Харам айвониға тушсам,
Кўзимга суртсаму, тўртта томонингни ўпиб қучсам,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

Элим ўзбек, элим - мўмин, Бухорий наслидир наслим,
Боховуддин, Хувайдо, Яссавий, Машраб эрур аслим,
Бу мактубни сенга йўллаб туродур Марҳабо муслим,
Ижозат берса гар Оллоҳ, ўзинг бир, Каъбатуллоҳ кел.

ҲАЖНОМА

Эй, шаҳри Макка, тупроғи тилло,
Байтул муқаддас, хонайи Олло,
Бир бор кўрай деб, ҳаққа тавалло
Қилдим етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Эй, уй муборак — дардимга дармон,
Эрдинг неча йил кўнглимга армон,
Покиза маскан, эй, кони иймон,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Тангри Таолло қодиру холиқ,
Қаддимни кўрди эҳромга лойиқ,
Армонда қолди қанча ҳалойиқ,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

«Лаббайка»ни ўргатдим тилимга.
Ёлғиз Худони солдим дилимга,
Розиман энди ҳатто ўлимга,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Каъба девори тегди юзимга,
Бахтдан бўлиб маст, келмам ўзимга,
Бўлди бу кунлар байрам кўзимга,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Оғзимга тегди сув - Оби «зам-зам».
Бўлди қувончдан юзу-кўзим нам,
Олиб боройин дўстларимга ҳам,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Бордим Минога, чиқдим Арофат,
Тошларда ётдим, тон олди роҳат,
Асли бу заҳмат менга-саодат,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Муздалифадан тош йиғиб олдим,
Шайтонга отиб, «бошини ёрдим»,
Урганди йўлдан, қасдимни олдим,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Қурбонлик қилдим Аллоҳга атаб,
Сочим қирқилди бир энлик, ажаб,
Бўлдим ҳожилик бурчини ўтаб,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Эй, пок Мадина-иккинчи ҳарам,
Расул туфайли бўлдинг муҳтарам,
Парвардигорим кўрсатди карам,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Бердим саломлар расулуллога,
Шукрлар этдим йиғлаб Оллога,
Бермам бу кунни зарга, тиллога
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Мен бир Худонинг хас бандасиман,
Хасу ғубордан паст бандасиман,
Бахтидан бу кун маст бандасиман, –
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Ҳожилик менга улуғ саодат,
Яхши ишларни қилайин одат,
Юмушим бўлсин, фақат ибодат,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Йиғлаб келгандим, кулиб қайтурман,
Иймон нурига тўлиб қайтурман,
Гўдак каби пок бўлиб қайтурман,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Қилдинг мусулмон эй ҳақ, Худойим,
Икки ҳарамни насиб эт доим,
Ризқимни яна қўшгин илойим,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Дўстларимга ҳам тилай ҳар саҳар,
Насиб этсин шу муборак сафар,
Яхши дуолар бўлмас бесамар
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

Ҳамду санолар Оллоҳга мудом,
Сенга йўллайин дуойи салом,
Марҳабохондан бу ожиз калом,
Сенга етишдим, алҳамдулиллоҳ!

РАМАЗОН

Келди шаҳри Рамазон,
Тўй – йиғинлар тўхтади.
Мачитларда ҳар кеча,
Ўқилади «Тароби».

Ҳеч бир уйда кундузи,
Ёзилмайди дастурхон.
Оқшом тушса бошланар,
Ифтор билан «Рамазон».

Ҳар ким топгани билан,
Қилар қисқа сахарлик,
Ифторгача таомдан,
Жирканишар заҳардек,

Атир сепмас аёллар,
Искашмайди гул исин.
Соғинишар ва лекин,
Ўпишмайди бир-бирин.

Ташна бўлса иссиқдан,
Ювиб олар юзини,
Ош пишириб ўзлари,
Тотишмайди тузини.

Ҳамма ерда рўзанинг,
Файзу-гашти билинар.
Ифторга деб гузарда,
Нишолдалар қилинар.

Шомдан кейин болалар,
Айтишади «Рамазон».
Қанд-панд сўриб уйига,
Қайтишади бир замон.

Ғийбатчилар ўттиз кун,
Хазир бўлар тилига,
Шафқат кирар ғойибдан,
Ёмонларнинг дилига.

Гуноҳ қилса кичиклар,
Койишади мулойим,
Рамазон бир ой эмас,
Бир йил бўлсин, илойим.

Ихлос билан кекса-ёш,
Чекар очлик заҳматин,
Осмондаги сахий зот,
Ёғдиради раҳматин.

Қорни очу, кўнгли тўқ,
Масрур юрар «рўзалар»,
Бурчакларда қимтиниб,
Чой ичишар «кўзалар».

Йўқлашади бир-бирин,
Уришиб «пўм» бўлганлар,
«Жаннати» деб севилар,
Рўза куни ўлганлар,

Келса Қадр кечаси,
Бўлади ҳамма уйғоқ,
Оллоҳ айтган: бу кеча,
Минг ойдан ҳам яхшироқ,

Келинчаклар шивирлаб,
Фарзанд тилар ўзига,
Йигитларнинг ойсурат,
Қиз кўринар кўзига.

Болалардан қутулмас,
Осон «Лайлатул-қадр».
Ўйинчоқнинг тури кўп,
Болалар ҳам кўп ахир,

Ҳар рўзада донолар,
Ўйлаб ғариб тулларни,
«Фитрўза»лар беришиб,
Йўқлашади уларни.

Ҳеч бўлмаса ўттиз кун,
Турса шундай эътиқод,
Балки кирар умрга,
Ўттиз йиллик баракот.

Шундай гўзал яшамоқ,
Инсонларга қандай хос,
Афсус, афсус, афсуски,
Рамазон бир ой холос.

МОМОХОН ПОШШОЙИМГА

Биттагина онаму,
Учтагина болам бор.
Бу оддий гап, қизиғи-
Аравонда холам бор.

Оғзин ҳали очмасдан,
Гунг бўлади, боз-бозлар,
Қошларин туришига,
Ош пиширар таннозлар.

Ўзи кулмай гап айтар,
Ичагингиз узилар,
Жойномозда ўтириб,
Торатингиз бузилар,

Ҳали ўлмасдан туриб,
Марсиямни ёз, дейди.
Ўзим эшитолмасам,
Не қизиғи бор, дейди?

Ўтирганда пошшодай,
Кибор туришлари бор,
Турганида «вой-вой»лаб,
Ўрдак юришлари бор.

Ошиқ бўлар ҳуснига,
Кимки кўрса бу Ойни,
Бир одамга Ҳақ наҳот,
Берди шунча чиройни?!

Камтар, оддий яшайди,
Нима у давлат, бойлик?
Саксон ёшли бу ойим,
Ўнта қиздан чиройлик.

Гоҳо қилиб хиргойи,
Гоҳида «ирдаб» берар,
Эсизгина ёшлик, деб,
Сўнгида йиғлаб берар.

Чоллари ҳам ўзидай,
Кўринади ёшгина,
Соқоллари ярашган,
Нурли, қаламқошгина.

Яшаб, яшаб дунёда,
Орттирибди икки қиз,
Суҳбатимиз астиям,
Ширин бўлмас уларсиз.

Ўртоқлари бир дунё,
Уйлари тўла китоб,
Ўйлайсизки, кўнглида,
Нур сочар бир офитоб.

Ўқиганда байт, ғазал,
Хувайдо, Надимийдан,
Сел бўласиз, лол қилар,
Сўйласа қадимийдан.

«Машраб» деб, тебранганда,
Ҳар сўзи асал бўлди,
Саксон ёшга етганда,
Кўз тегиб, касал бўлди.

Илоё, тез тузалиб,
Жисмидан дард арисин,
Чоли билан юз ёшга
Кириб, қўша қарисин.

Марҳабо дер: файзлари,
Юқиб қолсин бизгаям,
Суҳбатида бўлмоқлик,
Насиб этсин сизгаям.

Биттагина онаму,
Учтагина болам бор,
Бу оддий гап, қизиғи-
Аравонда холам бор.

Ҳали келса кўрасиз,
Кула, кула ўласиз.

БОЛАМГА

Ой туғса ҳам-боламга,
Кун туғса ҳам-боламга,
Болам бахтли бўлмаса,
Нега келдим оламга?!
Боламга.

Неки яхши нарса бор,
«Онамга» десам бир бор,
«Боламга» дедим минг бор,
Боламга.

Илинаман жонимни,
Чайнаб турган нонимни,
Фараҳли ҳар онимни,
Боламга.

Жигаримдан юлиб ҳам,
Душманимга кулиб ҳам,
Боламга дедим ҳар дам,
Боламга.

Оллоҳ! Бу қандай миллат,
«Боламга» дейди фақат,
Бу қандайин муҳаббат
Боламга?

Оллоҳ қилсин иноят,
Бўлсин йўли ҳидоят,
Хавзи Кавсару жаннат,
Боламга.

Саҳарим ҳам, шомим ҳам,
Остонам ҳам, томим ҳам,
Марҳабохон номим ҳам,
Боламга.

ТИЛАК

Ҳар бандани дунёда,
Умри бўлсин зиёда,
Юрсангиз ҳам пиёда,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Дилни босса ташвиш, уй,
Татирмиди байрам, тўй?
Бўлмасангиз ҳам хушрўй,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Уйда бўлса ул-бул кам,
Ташвиш бўптими шуям?!
Энг муҳими, жон укам,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Ақча бу — рангли қоғоз,
Шукр қилинг кўпми, оз,
Яшайин десангиз соз,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Оғриб турса жонингиз,
Қоронғу осмонингиз,
Кетса кетсин молингиз,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Оғзингдан тушса ҳам тиш,
Бошингга тушмасин иш,
Айтдим қуйдим мен дарвеш,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

Эй, Марҳабо, чин омад —
Кўнгилдаги ҳаловат,
Келгандаям қиёмат,
Сиҳат бўлинг, тинч бўлинг.

МАКТАБ

Синфхона асли бу дунё,
Еру осмон ҳудуди аро,
Ҳаёт деган мактабда гўё,
Ўқияпман ҳалиям.

Ҳар бир тонгим — илк қўнғироқ,
Ҳар бир шомим — сўнгги қўнғироқ,
Гоҳ аълочи, гоҳ бўлиб қолоқ,
Ўқияпман ҳалиям.

Синфдошларим ҳам турфа хил,
Бириси саҳий, бириси бахил,
Гоҳ тортишиб, гоҳ бўлиб ахил,
Ўқияпман ҳалиям.

Ҳар одам бир дарслик, бир китоб,
Теграси тўла илм, беҳисоб,
Ҳар қайсисин варақлаб шитоб,
Ўқияпман ҳалиям.

Шу мактабда улғайдим, ўсдим,
Эллигинчи синфга кўчдим,
Хато қилсам койима, дўстим,
Ўқияпман ҳалиям.

Кўрмаганим кўриб олай, деб,
Билмаганим билиб олай, деб,
«Икки»мни «беш» қилиб олай, деб,
Ўқияпман ҳалиям .

Гоҳ баланд, гоҳ пастда ўтирдим,
Гоҳ соғ, гоҳо хаста ўтирдим,
Лек бир умр дарсда ўтирдим,
Ўқияпман ҳалиям .

Кундалигинг — номаи аъмол,
Эй, Марҳабо, яшагин ҳалол,
Бир кун бор деб, сўроғу савол,
Ўқияпман ҳалиям.

ОДАМ

Ол ибрат, бу ажиб дунё, уям одам, буям одам,
Бири боғу, бири саҳро, уям одам, буям одам.

Бирига жон нисор этсам, бирин ташлаб қочиб кетсам,
Бири-нодон бири-доно, уям одам, буям одам.

Бирининг меҳрига зорман, ва гардига харидорман,
Биридан сақласин Оллоҳ, уям, одам буям одам.

Бирин тинглаб қилсам роҳат, бири сўзласа йўқ тоқат,
Бири-оми, бири-мулло, уям одам, буям одам,

Бири ошкор қопар итдай, ва ё пинҳон чақар битдай,
Бирин феъли ҳалим, зебо уям одам, буям одам,

Адашма ўхшаса барқи, эмас тенг иккисин нархи,
Бири мису, бири-тилло, уям одам буям одам,

Оёғу қўл, вужудлар бир, нетай, Аллоҳ, кўнгил ҳар-хил,
Бири-кўлмак, бири-дарё, уям одам, буям одам,

Бири мискин, бири бойдур, вужуди асли бир лойдур,
Бирин паст кўрмагин асло, уям одам, буям одам.

Бири кофир, тубан, расво, бирисида иймон, тақво,
Фарангми, ҳиндими, тарсо, уям одам, буям одам.

Бу дунё одамистондир, бўлгил одамшунос, оқил.
Адашма танласанг ошно, уям одам, буям одам.

Жаҳонга, Марҳабохон, боқ, олов сувга бўлмас ўртоқ,
Ва шундан жанжалу ғавғо, уям одам, буям одам.

МАСТ БЎЛАМИЗ

Биз маст бўлсак, муҳаббатдан маст бўламиз,
Гўзалликдан, нафосатдан маст бўламиз,

Яйрашимиз учун шароб керак эмас,
Саҳарлари ибодатдан маст бўламиз.

Юракка ишқ найзасини санчиди ёр,
Оғриса шу жароҳатдан маст бўламиз,

Қай махалки, ёрнинг номи айтилганда,
Қалбга кирган ҳароратдан маст бўламиз.

Суҳбатлашиб ўтирганда доно билан,
Тўймай ширин мулоқотдан маст бўламиз,

Излаганим донишларнинг даврасидур,
Қуръон, ҳадис, ривоятдан маст бўламиз.

Оллоҳ, Оллоҳ, бу не ширин оҳанг эрур?!
Кўз ёш тўкиб, қироатдан маст бўламиз,

Хофиз қўшиқ куйлаганда тебранишиб,
Авж пардаю, дароматдан маст бўламиз.

Ҳар нарсадан гўдагимнинг иси ширин,
Ҳидлаб ушбу саодатдан маст бўламиз,

Шаробсиз ҳам бандани маст қилар иш кўп,
Ҳисоб вақти хижолатдан маст бўламиз.

Сиз май ичиб, бода ичиб юраверинг,
Биз қўрқишиб, қиёматдан маст бўламиз,

Ёр жамолин кўролмасак, беҳишт нечун?
Ўйласак, шу сиёсатдан маст бўламиз?

Эй, Марҳабо, иншаоллоҳ, иншаоллоҳ,
Ўша буюк зиёфатдан маст бўламиз.

ЯШАШНИ ЎРГАТАМАН

Мен ўзимни севаман,
Менга ўзим ёқади,
Энди менга барибир,
Ким қанақа боқади.

Нуқсонлими, қорами,
Юзим — менинг юзимдир,
Дунёда энг чиройли,
Битта одам — ўзимдир.

Қўлим юпқа ва лекин,
Йўқдан кўра шукр, бор,
Бу дунёда ҳеч одам,
Эмас мендай бахтиёр.

Гап эшитсам, жилмайиб,
Калтак есам, куламан,
Чап юзимга уришса,
Ўнгин тутиб тураман.

Юрак деган қабрга,
Армонимни кўмганман,
Ва устида боламга,
Ўйин тушиб берганман.

Ҳар тонг қараб ойнага
Дейман: менинг ғамим йўқ,
Мен соғломман, мен зўрман,
Ташвишим йўқ, камим йўқ.

Нохушликлар бор, лекин,
Мен улардан қарз эмас,
Ҳеч қайсиси жонимни,
Тикишимга арзимас.

Хомуш бўлар баъзилар,
Сочин оқин санашиб,
Менга эса турибди,
Ажинлар ҳам ярашиб.

Тикан-тикан, гул-гулдир,
Ҳар нарса ўз ҳолича,
Азизларим, дунёни,
Қабул қилинг борича.

Осон яшай десангиз,
Маслаҳатим олволинг,
Ўзингизни озгина,
«Жинни»ликка солволинг.

Не кун кўрсам барига,
Оллоҳ рози-мен рози,
Яратганнинг қўлида,
Энг тўғри тош-тарози.

Яшашга эмас бизни,
Имтиҳонга ташлабдур,
Пирим ўша ковушсиз,
Девонайи Машрабдур.

Кўйлагимни сўрашса,
Тўнимни ҳам бераман,
Тиканларнинг ичидан,
Лолаларни тераман.

Қизим қайтиб кептими?
Ажаб бўпти, хўп бўпти!
Бугун яна бойибман,
Битта ташвиш кўп бўпти.

Нархи қанча? Опкелинг,
Ғамингизни оламан,
Бор пулимга ташвишу,
Камингизни оламан.

«Ғам» сўзидан ўзимга,
«Шодлик» сўзин ясайман,
Мен шунақа, ўзимни,
Хурсанд қилиб яшайман.

Телба экан-ку, дея,
Кулмангиз Марҳабога,
Барча ҳисоб-китобни,
Қўйиб қўйдим Оллога.

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Азизларим, меҳрибонларим,
Дўсту ёрон, қадрдонларим,
Жонингизга куяр жонларим,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тириклик деб, чопган оталар,
Рўзғорим деб, шошган оналар,
Жонингизга куймас болалар,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қиз аразлаб келса юрак қон,
Келин чимирилса дил вайрон,
Ағдар-тўнтар бўлса ҳам жаҳон,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Таранг-таранг тортилар асаб,
Емиркан инсонни ғазаб,
Қон томирлар бунча мўрт, ё Раб?!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўнг томонга жойлашса юрак,
Бўлмасмиди шунчалар хуркак,
Чиқса чиқар гуручдан курмак,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тортишувда бир сўздан қолиб,
Нохуш гапни ҳазилга олиб,
Дилозорни Худога солиб,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Эй дўст, ҳар не касби корингиз,
Ҳамроҳ сизга ташвиш, зорингиз,
Ёнингизда юрсин дорингиз,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ўлим — ёмон, даҳшатли тақдир,
Аммо дўзаҳ олдида бахтдир,
Асли ўша оловдан ҳозир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Энг аввало ношукр бўлманг,
Жоҳил билан ҳамфикр бўлманг,
Беибодат, безикр бўлманг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ҳаққингизни бермаса бахил,
Кўргизсалар зулуму қаҳр,
Ҳисоб куни келар-ку ахир,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қандай шараф — Оллоҳга қайтиш?!
Шартмас шунча ўлимдан қўрқиш,
Охиратда қолган ҳамма иш,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сизга санчиб сўзнинг найзасин,
Яйраса шу нодон яйрасин,
Сукут билан енгинг ҳаммасин,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кечирганни кечирур Оллоҳ,
Паноҳ берган топади паноҳ,
Ёмонликдан не чиқади, оҳ!
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Дўст томонга талпининг ҳар дам,
Кўринг қувонч ташвишни баҳам,
Одам тафтин олади одам,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Қуръон, ҳадис, шеърият, санъат,
Доно билан бир ширин суҳбат,
Шумасми сиз қидирган жаннат?
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ғам келганда куюниб кетманг,
Бахт келганда суюниб кетманг,
Сокин яшанг, осуда яшанг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кўзлар ҳали кўриб турганда,
Юрак ҳали уриб турганда,
Оёғингиз юриб турганда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Елкангизда икки фаришта,
Уларнинг қўллари ёзишда,
Марҳабохон, ҳар сўз, ҳар ишда,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шукр дўстлар, борингиз учун,
Фарзанд, жигар, ёрингиз учун,
Мендай харидорингиз учун,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

КЕЛИН ТАНЛАГАНДА АДАШМАНГ

Ёлғизгина ўғли бор аёл,
Ширин-ширин сурасиз хаёл,
Бир гап айтай келмасин малол,
Келин танлаганда адашманг.

Суриштирасиз ким онаси,
Озодами, ҳовли – хонаси,
Ичидадур одам оласи,
Келин танлаганда адашманг.

Кимларгадир бой келин керак,
Кимга юзи ой келин керак,
Сиз қидиринг бир тоза юрак,
Келин танлаганда адашманг.

Деманг, гўзал қўғирчоқ бўлсин,
Ўғилчамга овунчоқ бўлсин,
Ҳаёт эмас қўғирчоқ ўйин,
Келин танлаганда адашманг.

Ўғлингизга нажот бўлсин у,
Кишан эмас, қанот бўлсин у,
Доно бўлсин сиз топган сулув,
Келин танлаганда адашманг.

Агар бўлса молпараст, нодон,
Рашкчи, бетга чопар, бадгумон,
Болангизга юттиради қон,
Келин танлаганда адашманг.

Ўғлингизни бор қилган ҳам шу,
Ва ё, хору зор қилган ҳам, шу,
Нозик, аммо буюк кучдир у,
Келин танлаганда адашманг.

Дарахтни силкитсанг ёғар қиз,
Қайси тилло, қайси бири мис,
Ўғли кўплар адашсаям, сиз,
Келин танлаганда адашманг.

Бўлсин қўли ширин, меҳрибон,
Шу қўллардан ейсиз ошу нон,
Балки шу қўлда берасиз жон,
Келин танлаганда адашманг.

Яқин қилар йироғингизни,
Кутар дўсту, ўртоғингизни,
Шу қиз ёқар чироғингизни,
Келин танлаганда адашманг.

Қай қизники одоби бордир,
Қалбида нур, офтоби бордир,
Керак бўлса тинчлик, бахт, ҳузур,
Келин танлаганда адашманг.

Яхши бўлса, пошшо бўласиз,
Ёмон бўлса, расво бўласиз,
Қон босим бўласиз, ўласиз,
Келин танлаганда адашманг.

Ҳайрон бўлманг, дўстларим асло,
Агар ўлар бўлса Марҳабо,
Қабридан ҳам чиқар шу нидо:
Келин танлаганда адашманг.

БИЗ КУЙДИРИБ КЕТГАН ЙИГИТЛАР

Бўларкансан ёшликда нодон,
Кибри баланд, ғурури осмон.
Изимизда йиғладингиз қон,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Совғангизни отворгандиг-а,
Хатингизни йиртворгандиг-а,
Писанд қилмай кетворгандиг-а,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Танлаб-танлаб учраб тозига,
Чидаяпмиз фироқ, нозига.
Арз қиламиз қайси қозига,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Онангизей патирлар ёпиб,
Уйимизни қидириб топиб,
Ҳар уч кунда келарди чопиб,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Олдингиздан ўтамиз кесиб,
Кўйлагимиз ямоғин тўсиб,
Жилмаямиз турсак ҳам ўксиб,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Ёнингизда биздан гўзал ёр,
Яшаяпсиз тўкис, бахтиёр,
Мақтангудек бизда нима бор?
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Ношуд эрнинг қўлида хормиз,
Суянчига, меҳрига зормиз,
Ўлмадиг-а, ҳалиям бормиз,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Елкамизда рўзғор халтаси,
Эгнимизда Хитой латтаси,
Увол бўлдик, гапнинг калтаси,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Турмуш оғир, асаблар таранг,
Эплайолмай бошимиз гаранг,
Ким эдигу, ким бўлдик, қаранг,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Кўча-куйда кўрарсиз балки,
Ҳайрон бўлиб турарсиз балки.
«Ўла!» дея куларсиз балки,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Хижолатдан юрамиз чўкиб,
«Аттанг» дея кўз ёшлар тўкиб,
Яшаяпмиз тақдирни сўкиб,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Тупириб қалбингиз қўрига,
Ўзимизни олдик тўрига,
Тегмадигам сиздан зўрига,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

Марҳаболар дуода доим:
Зулм кўрманг энди илойим,
Бераверсин омад Худойим,
Биз куйдириб кетган йигитлар.

«УШАБ ТУРИНГ»

Йўқ ўзбекдек болажон халқ,
Қайнонаси қаҳрамон халқ,
Набиралар малах-малах,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ҳовлим бўлди болабоғча,
Ҳар йил битта чақалоқча,
Кир чиқади бўхча-бўхча,
Менинг отим — «Ушабтуринг»

Уйим — марказ, уйим — пакка,
Бир он турмам ҳоли, якка,
Уйғонишар турмай ҳакка,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Намоз чала, саловат йўқ,
Уйқумдаям халоват йўқ,
Шундан юзда тароват йўқ,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Тилим эртагу аллада,
Ҳеч не қолмади каллада,
Ҳамма билар маҳаллада,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Уйим тўла китоб мани,
Аммо ўқишга вақт қани?
Овутиб бир тирранчани,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Етказганига минг шукр,
Нетай, толса бошим қурғур?
Нолиётган бўлсам узр,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Қўлимда бўлса биттаси,
Этагим тортар тўрттаси,
Атрофда яна ўнтаси,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ҳой, укангни туртма, болам,
Ҳой, пардани тортма, болам,
Китобимни йиртма, болам,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ҳой-ҳой, гулни узиб қўйма,
Соатимни бузиб қўйма,
Иштонингга сузиб қўйма,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ойлиги йўқ қози — ўзим,
Занжири йўқ този — ўзим,
Ўлимимга рози ўзим,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Дарё эдим оқмай қолдим,
Ойнага ҳам боқмай қолдим,
Эримгаям ёқмай қолдим
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ёшлигингда отасин боқ,
Қариганда боласин боқ,
Аёл борми биздай қолоқ?
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Кўпайишар борган сари,
Ичикармиш қилсам нари,
Ўлиб кетсам қолар бари,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Асабларим элак-элак,
Ғалвалардан ўйнар юрак,
Жоним ўзимгаям керак,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Татўс турди, юриб кетсин,
Йиқилибди, туриб кетсин,
Савобиям қуриб кетсин!
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ўртоғларим, айланайлар,
Эшитмасам бақирманглар,
«Марҳабо» деб чақирманглар,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

Ёзим ўтиб, қишга кирдим,
Ғалва, жанжал, муштга кирдим,
Чўриликка ишга кирдим,
Менинг отим — «Ушабтуринг».

ДУНЁНИНГ БИР ҚАВАТИ

Дунёнинг бир қавати —
Адашганлар қавати,
Тақдиридан ҳаққини
Талашганлар қавати.

Яшайдилар бахтиёр,
Саройдадек капада,
Унчалар баландмас-у,
Биздан анча тепада.

ТАҚДИРГАЯМ ҚОЙИЛМАН!

Танлаб-танлаб ўлчаб бўй,
Орзулаб қилинар тўй.
Қўшилар бўрига қўй,
Тақдиргаям қойилман!

Оловни сувга қўшар,
Соддани қувга қўшар,
Атай қилганга ўхшар,
Тақдиргаям қойилман!

Бир бадфельга бир зебо,
Бир кўлмакка бир дарё,
Бир нодонга бир доно
Тақдиргаям қойилман!

Гул билан гул бўлса жъам,
Бўлмас эди кўзлар нам,
«Мен бахтлиман!» деган кам
Тақдиргаям қойилман!

Саҳро билан боғ яшар,
Жарлик билан тоғ яшар,
Жинни билан соғ яшар,
Тақдиргаям қойилман!

Чаққонга бир илмилиқ,
Жиддийга бир серқилиқ,
Яшаш керак,сип-силлиқ,
Тақдиргаям қойилман!

Эр йирайди куй тинглаб,
Хотин ўтирар эснаб,
Қовушмайди гапга-гап,
Тақдиргаям қойилман!

Бўлмагурга бўгулик,
«Тавба! Тавба!» дегулик,
Оллоҳ, бу не кўргулик?!
Тақдиргаям қойилман!

Тиканга шунча меҳр,
Ғунчага шунча қаҳр,
Инсофданми шу ахир?!
Тақдиргаям қойилман!

«Вақти бўб қолди», деймиз,
«Тақдир кеб қолди», деймиз,
Бахтсиз ўғил , бахтсиз қиз,
Тақдиргаям қойилман!

Қилиб қўйиб ўзимиз,
Жовдирайди кўзимиз,
Кейин айтар сўзимиз:
«Тақдиргаям қойилман!»

Умр тўла доду вой,
Нетамиз, Марҳабо ой?
Ярим дунё пойма-пой,
Тақдиргаям қойилман!

ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Бир чолнинг «Запарож»и
«Нексия»га урилди,
«Нексия»нинг чироғи,
Синди, тушди, сурилди.

Бўғилиб чолга деди,
«Нексия»нинг эгаси:
-Биласизми, қанчага,
Тушар бунинг чегаси?

Битта чироғин ўзи,
Минг долларсиз битмайди,
Ҳатто машинангизни,
Сотсангиз ҳам етмайди.

Чол дейди: — Болам, тўхта,
Худодан-ку бўлса не,
Кўрсатаман бир нарса,
Машинамга ўтир, ке.

Қўйнидан бир хумчани,
Олиб шивирлади чол:
— Бизга кўк чой дамлаб кел,
Хой, жин қани, чиқа қол.

Хум ичидан жин чиқиб,
Чойни қилди муҳайё,
Йигит ёқасин ушлаб,
Деди: — Астағфурулло!

У бундай мўъжизани
Кўрмаганди ҳеч қачон,
Деди: — Шу хумчангизни,
Менга сотинг, отажон.

Чол сўзлади: — Бу хумча
Менга қолгаҳ отамдан,
Бу эсталик нарсани
Сенга қандай сотаман?

Йигит чолни авради:
«Нексия»ни бераман,
Ва устига ўн миллион,
Сўм ҳам олиб келаман.

Бир лаҳзада хумчанинг,
Бозори кетди қизиб,
Йигит «Нексия»сини
Чолга берди ўтказиб.

Хумни уйга опкелиб,
Йшқалади-чиқди Жин,
Ҳамма ҳайрон, Жин деди;
— Нима қилай, Хўжайин?

— Хотинимга, қизимга,
Машина, тақинчоқлар,
Ўғилларимга завод,
Фабрика, ҳовли-боғлар.

Менга эса бир юртнинг,
Пошшолигин бера қол,
Менга не сотганини,
Кўриб қуйсин, лақма чол.

«Нексия» ҳам матоҳми?!
Мен ҳайдайман самолёт.
Йўқ-йўқ, қўлимда бўлсин,
Бутун бир аэрофлот.

Қўрқиб кетиб йигитга,
— Шошманг-шошманг, — деди Жин,
Кимга нима, дедингиз,
Тушунмадим, Хўжайин?

Сиз айтган нарсаларни,
Қила олмайман чиндан,
Чунки мен бори йўғи,
Чой дамлайдиган Жинман.

Бузилиб атроф муҳит,
Не кунларга солмади?!
Ҳатто эртаклардаям,
Ҳақиқий Жин қолмади.

Алқисса, йигит хумни,
Жинга отиб урибди,
Чол «Нексия»да зув-зув,
Кира қилиб юрибди.

ТОВУС

Менинг етолмаган икки орзуим бор:
Бири — билагузук таққим келади,
Иккинчиси эса унданам қизиқ —
Уйимизда товус боққим келади.

Билмасман товуснинг бозори қайда,
Роҳати қайда-ю, озори қайда,
Агар ўлиб қолса, мозори қайда?
Уйимизда товус боққим келади.

Дерлар: «Девор ошар ўша парранда,
Бўласан қўшнилар ичра шарманда».
Ахир нима қилай, манам бир банда,
Уйимизда товус боққим келади.

Буям бир дунёга берилиш деманг,
Молу давлатига керилиш деманг,
Кўнгил кўчасида ўзим хангу манг,
Уйимизда товус боққим келади.

Не-не орзуларга етганман, шукр,
Неларни истамас бу кўнгил қурғур,
Орзуям шунақа бўладими сур,
Уйимизда товус боққим келади.

Бу ғаму хасратга тўла оламда,
Ҳар хил ҳолат бўлар экан одамда,
Ҳамма ишни қўйиб, худди шу дамда,
Уйимизда товус боққим келади.

Патларин ёйса у, ҳайрондир башар,
Бу қандай мўъжиза! Бу қандай асар!
Офарин, буюк Зот, Оллоҳу Акбар!
Уйимизда товус боққим келади.

Сотиб олишга-ку етмайди ақчам,
Мени тинч қўймаса не қилай бу ғам?!
Кўйлак рўмолимни сотиб бўлса ҳам,
Уйимизда товус боққим келади.

— Кап-катта одамга товус нимаси?!
Йўқми, Марҳабонинг бошқа ғалваси?
— Жонимга теккандур балки ҳаммаси,
Уйимизда товус боққим келади.

ЧИМИЛДИҚДАГИ НАСИҲАТ

Келинпошшо, мен ўзим инжиққина боламан,
Беэътибор бўлсангиз, хафа бўлиб қоламан,
Ақл, ғайрат, зийраклик насиб қилган йигитман,
Бурганинг ичагига, хасип қуйган йигитман,

Ёр бўлсангиз менга чин, айтайин бир дардимни,
Кирмасангиз гапимга, тополмайсиз гардимни,
Яхши, ёмон феълимга кўнмасангиз бўлмайди,
«Гаҳ» деганда қўлимга, қўнмасангиз бўлмайди.

Ҳар кун қошга ўсмаю, кўзга сурма сурасиз,
Парийлардай қошимда, таъзим билан турасиз,
Ишда менга не амал, пешонамдан кўраман,
Аммо уйда биргина, «пошшо»ликка кўнаман,

Ҳамма пайт, ҳамма вақт «лаббай» дейсиз чақирсам,
«Қуллуқ» дейсиз баъзида, феълим келиб бақирсам,
Атрофимда айланиб, мен инжиқни овутинг,
Не қилсангиз қилинггу, аччиғимни совутинг.

Чиройингиз, нозингиз бўлсин фақат ўзимга,
Бетабассум, бепардоз кўринмангиз кўзимга,
Канизагим бўлсангиз, ширин сўзу, мулойим,
Шунда сизни бошимда кўтараман, гулойим.

ИЗҲОР

Билмадим бу ерда борлигингизни,
Билсайдим, чиройли бўлиб келардим,
Қошимга билинмас ўсмалар тортиб,
Кўзимга сурмалар қўйиб келардим.
Нимага тушларим огоҳ этмади?
Нега қовоқларим учиб нетмади?
Бу рангсиз кўйлакда келмасдим асло,
Таъбу, хафсаламга бўлди бир бало,
Билсайдим юрагим куйлаб келарди,
Руҳимда жийдалар гуллаб келарди,
Нимага қўққисдан шошдим бу ёққа,
Паришон қиёфа, ҳорғин сиёқда?
Энди бундан тезроқ кетақолайин,
Сиз кўрмай уйимга етақолайин.
Сизнинг қаршингизда турмайин сўлиб,
Ёнингизга келай чучмома бўлиб,
Сиз бор жойда ойдек тўлингим келар,
Кўзингизга ўтдай кўрингим келар.

ЖАВОБ

«Олтиариқда нега бойлар кўп?»
Ҳожи аканинг саволи.

Хотиримни қилиб жаъм,
Астойдил ўйлаб кўрсам,
Ишбилармон кўп одам,
Олтиариқдан чиқади.

Ҳиндистондан келган қуш,
Узум чўқиб кўнгли хуш,
Қурт-қумурсқага улуш,
Олтиариқдан чиқади.

Чет юртларга мингдан-минг,
Мева элтган карвоннинг,
Тенг ярими, ишонинг,
Олтиариқдан чиқади.

Шоирларнинг зўри ҳам,
Олимларнинг зўри ҳам,
Дўппидек жой бўлсаям,
Олтиариқдан чиқади.

Ҳофизларнинг булбули,
Боғбон йигитлар гули,
Деҳқонларнинг серпули,
Олтиариқдан чиқади.

Пирдек ҳожи оталар,
Гулдек ҳожи оналар,
Иқтидорли болалар,
Олтиариқдан чиқади.

Қўлласа Оллоҳ эгам,
Меҳнат қилган бўлмас кам,
Биринчи миллиардер ҳам,
Олтиариқдан чиқади.

Ойга қурилиб шаҳар,
Бозор очилса агар,
Энг биринчи савдогар,
Олтиариқдан чиқади.

Ер остида, бир қатда,
Нефт кони бормиш катта,
Чиқиб қолса албатта.
Олтиариқдан чиқади.

Йиллар ўтиб, Марҳабо,
Умид қиламан, ҳатто,
Яна бир зўр подишо
Олтиариқдан чиқади.

Бирмас олти ариқдан,
Кириб турса барака,
Олтиариқлик бой бўлмай,
Мен бўлайми, ҳожака?!

АНЖОНЛИККА ЎХШАЙДИ

Учради бир мард одам,
Чопони бегард одам,
Бу оқ кўнгил сарт одам,
Анжонликка ўхшайди.

Жонни тикар дўст учун,
Оқибати, меҳри чин,
Гаплари бутун-бутун,
Анжонликка ўхшайди.

Давлат топса бари ҳам,
Эл билан кўрар баҳам,
Кўнгли бўш, бели маҳкам,
Анжонликка ўхшайди.

Бир йигитда ўн ҳунар,
Қадамидан гул унар,
Курашсанг белинг синар,
Анжонликка ўхшайди.

Мардлигидан ибрат ол,
Бир оз чапани ,қўпол,
Ҳазил қилса қочиб қол,
Анжонликка ўхшайди.

Ғўзалари ҳар баҳор,
Елим кўрпада ўсар,
Деҳқонми бу ё, заргар,
Анжонликка ўхшайди.

Улуғлари йигитдай,
Шижоати бургутдай,
Ўйлаб гапир, ё пирай,
Анжонликка ўхшайди.

Ҳофизлари хушнафас,
Булбуллар қилар ҳавас,
Ютқазасан қилма баҳс,
Анжонликка ўхшайди.

Тожмаҳалдан сўзласам,
Кўзларига келар нам,
Шоир Марҳабохон ҳам,
Анжонликка ўхшайди.

ИККИНЧИ КИТОБ

Алҳол чиқди китобим,
Турган эди босилмай,
Пул чиқмасди «хомий» — эр,
Бўйнига минг осилмай.

Вой, чиқди-я шу китоб!
Қувончдан кўз нам бўлди.
Бутун юртга тарқаган,
Шеърлар охир жаъм бўлди.

Ҳамма жойда шов-шув гап:
Кўрдингизми, чиқипти!
Йиғлавордим, ҳаттоки
Тохир Малик ўқипти.

Юз минг нусха, ҳазилми?!
Дўконлар кетди тўлиб,
Аммо уч кун деганда,
Одоғ бўлди сотилиб.

Уйга бўлар қўнғироқ:
«Бизга етмай қолди-ку,
Мухлисларнинг устидан
Куляпсизми, нима, бу?»

Мендан қанча танишлар
Хафа бўлиб кетмади,
Дедим: «Мени тушунинг,
Ўзимгаям етмади».

Шу китобим бўб кетди,
Таржима кўп тилларга,
Демак, менинг номим ҳам,
Кирди қанча дилларга.

Сотилаётганмиш китоб,
Ҳиндистоннинг йўлида,
Кимдир кўриб қолганмиш,
Рим Папасин қўлида.

Руҳланиб кетдим жуда,
Ўзимгаям қойилман,
Ҳамма ўқияптими,
Демак, мен зўр шоирман!

Тавба, астағфурулло,
Ўзинг кечир, худойим!
Омадни сен улашиб,
Бандангмақтанар доим.

Китоб чиқди дунёга,
Аммо кўнглим тўлмади,
Негаки, буни буюк
Зулфияси кўрмади.

Татимади бу қувонч
Озод Шарофиддинсиз,
Билмадим, ё «савалаб»,
Ё мақтар эди, эсиз.

Кўрмади кўп устозлар,
Бир оз кўнглинг сўларкан,
Ҳеч бўлмаса Саид Аҳмад
Ўлмай турса бўларкан.

Энди Ўткир Ҳошимга,
Худодан умр тилай,
Ва Иброҳим Ғофурнинг,
Борига шукр қилай.

Усмон Азимга дастхат,
Ёзиб берсам қанийди.
Омон Матжон бир нигоҳ
Ташласаям майлийди.

Рим Папаси зўр, аммо,
Фикри қандай «Гулматнинг»?
Назарига тушсайди
«Ҳумий» деган ҳазратнинг.

Орзуларга етишиб,
Келганда бир омадим,
Минг афсуски, жиринглаб,
Уйғотворди соатим.

Эсиз китоб, шон-шуҳрат,
Эҳ, кўксимга ураман!
Бундай зўр тушни энди,
Яна қачон кўраман?

ХНА

Болаларни тўйдирдиму,
Ётоғига жойладим,
Ҳайит қилиб, қўлларимга,
Шу тун хна бойладим.

Дедим: — Бугун синаб кўрай,
Ҳафсалаю сабримни,
Болаларнинг дадаси ҳам
Кўриб қўйсин, таъбимни.

Хна ахир бизлар учун,
Момолардан меросдир,
Билмам, нега унга ҳозир
Аёллар беихлосдир.

Бу фикримни ногоҳ бўлди,
Жавраб кириб, хўжайин,
Бир тугмаси бўшаб қопти,
Йўл-йўл батис кўйлагин,

Боғлиқ икки қўлим билан,
Келтирдим ипу игна,
«Хнам бор» деб, узр айтиб,
Қараб турдим жимгина,

У-чи, сўзсиз лаънатлади,
Бир хнамни, бир мени,
Тажанг бўлиб, узоқ тургач,
Қўлга олди игнани.

Мени яна хаёл тортди:
Сабр қилиб бутун тун,
Тонгда очсам қўлларимни,
Кафтим бўлар лолагун.

Бу фикримни энди бўлди,
Дадамизнинг «вой, дод!»и,
Уйдан ҳатто қўшниларга
Эшитилди фарёди.

Дедим: — Ҳай, ҳай, нима бўлди?
Деди: — Вой, вой, жон чиқди!
Игна кирди жимжилоққа,
Мана кўргин, қон чиқди!

Истимам ҳам чиқса керак,
Ўлчагич қўй, қўйнимга,
Қўлгинамни секин бойлаб,
Осиб қўйгин, бўйнимга.

Рози бўлгин мендан хотин,
Ўлиб қолсам бўлма лол,
Кўз ёшингни арту ўтир,
Васиятга қулоқ сол.

Жон чиқарда тилдан қолсам,
Қуриб қолса томоғим,
Оғзимга оқ пахта билан,
Сув томизгин, уч томим.

Болаларни ўкситмагин,
Эҳтиёт бўл ўзингга,
Сен бевасан, сурма-пурма,
Қўйиб юрма, кўзингга!

Видолашдик, у ўлимни,
Эснаб-эснаб, кўп кутди,
Сўнг кўрпага бурканди-ю,
Бармоғини унутди.

Эс-ҳушимни йиғиб секин,
Қўлга олдим игнани,
Қадаб қўйдим кўйлакдаги,
Бўшаб қолган тугмани.

Қайда қолди қўйган хнам,
Сурган ширин хаёллар,
Охир билдим, нега хна,
Қўймас ҳозир аёллар.

АРМОН

Севиб олма отгандим,
Осмонга бориб етди.
Ойни мўлжаллагандим,
Юлдузга тегиб кетди.

Мен мўлжалда адашдим,
Оҳ, ёнаман пушмонда,
Юлдуз «учиб» куйдирар,
Ой ҳалиям осмонда.

ЭЪТИРОФ

Мен биламан қандайлигимни,
Жиннига ҳам яшаш осонмас,
Унга душман керакмас ўзи,
Ўзи билан яшар қасдма-қасд.

Унинг умри жангдан иборат,
Душманлари – ҳур фикрлари,
Толеи ҳам, бахтсизлиги ҳам –
Бошқаларга ўхшамагани.

ДЎСТИМИЗ ИЗЗАТИЛЛОНИНГ ПЎСТИНИГА

(Абдулҳай Каримов тилидан)

Қиш кунида борганда Самарқандга бечопон,
Сени кийдирди менга бир ошнои қадрдон,
Деди: «Уйга етгунча кийиб юринг, акажон,»
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Бу қаҳратон совуқда юриб бўлмас пўстинсиз,
Яна шамоллаб қолманг, ҳофизгина дўстимсиз»,
Малҳам бўлдинг жонимга, нима қилардим сенсиз?!
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Фил териси эдингми, бунча қалин бўлибсан?
Қай манзилда ошланиб, қай манзилда қурибсан?
Шу ерда ҳам эгангга савоб йиғиб юрибсан,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Кийиб юриб қилурман, ҳар тугмангга минг шукр!
Ҳар ёқанг-у, ҳар ёнинг, ҳар бурмангга минг шукр!
Ҳар чўнтагинг, ҳар чокинг, ҳар бўлмангга минг шукр!
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Олқишлаб юрди сени, ҳар елкам, ҳар курагим,
Сен илиқ сақлаб турган, ҳар ўпкам, ҳар суягим,
Меҳр учун таъзимда, ҳаммадан ҳам юрагим,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Гоҳо бошимни ўраб, гоҳо ёпдим устимга,
Гоҳо елкамга ташлаб, гоҳ тўшадим остимга,
Қайтганингда бир қучиб, «раҳмат» деб қўй дўстимга,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Саккиз қарич жуссамга бир енгинг ҳам етарди,
Совқотганда янганг ҳам кирса, сиғиб кетарди,
Жаннатда юргандайин жисмим қўшиқ айтарди,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Қилиб юрдим дуолар, чертиб, қоқиб, пуф-пуфлаб,
Чўнтаклари ақчага тўлиб юрсин, суф-суфлаб,
Сени кийган дўстимга кўз тегмасин, туф-туфлаб,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

Энди ҳар қиш сени бир эсламасам бўлмайди,
Ошноларга сен ҳақда сўзламасам бўлмайди,
Сенга атаб бир қўшиқ куйламасам бўлмайди,
Каттақўрғонлик дўстим, устимга ёпган пўстин.

Ашъор-ла сохибингни дуо қилур Марҳабо:
«Иссиққина танида эскиргин, иншоолло,
Умрию давлатини зиёда қилсин Олло»,
Каттақўрғонлик дўстим устимга ёпган, пўстин.

ЎЗБЕКЛАРДА ШУНАҚА

Сўритокларда узум, новдаси қулоч-қулоч,
Айвонида ҳар баҳор бола очар қалдирғоч,
Салом бериб кирса ким, тўйиб чиқар бўлса оч,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Яшаб юриши мумкин қўл, оёғу бармоқсиз,
Аммо яшай олмайди эл-юрт, уруғ-аймоқсиз,
Кузатишмас меҳмонни новвот, майиз, қаймоқсиз,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Кампирларин қўлида, куйлайди урчуғиям,
Боламга деб дон чўқир каптар, чугурчуғиям,
Ўғил кўрса тўй қилар, ҳаттоки чумчуғиям,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Тўй қилиб, эл-юртига едириб, мазза қилар,
Қудаларига чопон кийдириб, мазза қилар,
Бу маззани лондонлик бой ота қайдан билар?!
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Қандай яшаб бўлади ҳандалаксиз, қовунсиз?
Эркак эркак бўптими, улоқ, кураш ўйинсиз?!
«Бусиз ҳам элман» деган сафсатани қўйинг, сиз,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Азиз қилар қайси эл биздай ота-онани?
Ён қўшниси тўй қилса, чиқмаганам одамми?!
Хор бўларди Ўзбексиз инсоният олами,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Бешик майли, сумагин, кўриб лол бўлганлар бор,
Минг йил олдин ҳам бу эл, эди буюк ижодкор,
Фарзандларин қонида яшар ўша иқтидор,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Юрт айланиб кузатсанг, бозори йўқ баққолсиз,
Юришмайди чоллари носқовоқсиз, соқолсиз,
Тилин учида ҳазил, гап гапирмас мақолсиз,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Янги пишган анжирин, илинар қўшнисига,
Нон ёпинг, деб тандирин, илинар қўшнисига,
Уч кун уйда бўлмаса, билинар қўшнисига
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

Шу миллатнинг кўксида, туриб ой сочар зиё,
Шундай яшаш керакдир, аслида бутун дунё,
Бу элатни бошқача, қилиб бўлмас, Марҳабо,
Билолмадим Фарангу Африқода қанақа?
Дунё ҳайрон бўлса ҳам, Ўзбекларда шунақа.

МУНДАРИЖА

1. АСАЛ ОЙИ

Ҳали аёл бўлмабсиз, пошшо........5
Бировнинг боласи уйимда........6
Ўғил боланг – бировнинг ҳасми........8
Қизим, қайнонанг – тилло........10
Қизим аразлаб келди........12
Куёвимга илтижо........14
Муросасиз келинлардан дод!........16
«Асал ойи»........18
Қутуласан........21
Қуда бўлдик........23
Ҳасрат........25
Сезгир она........26
Тасалли........27
«Тадбиркор» аёл........31
Гулдаста........34

2. ПОКЛИККА ҚАСИДА

Навоийга қўшни бўлсам........38
Покликка қасида........39
Каъбатуллоҳга мактуб........41
Ҳажнома........42
Рамазон........45
Момохон пошшойимга........47
Боламга........49
Тилак........50
Мактаб........51
Одам........53
Маст бўламиз........54

3. ЎЗБЕКЛАРДА ШУНАҚА

Ўзбекларда шунақа........
Яшашни ўргатаман........55
Ўзингизни эҳтиёт қилинг........57
Келин танлаганда адашманг........60

Биз куйдириб кетган йигитлар 61
«Ушабтуринг» 63
Дунёнинг бир қавати 66
Тақдиргаям қойилман! 66
Замонавий эртак 68
Товус 70
Чимилдиқдаги насиҳат 71
Изҳор 72
Жавоб 73
Анжонликка ўхшайди 74
Иккинчи китоб 75
Хна 78
Армон 80
Эътироф 80
Дўстимиз Иззатиллонинг пўстинига 81

Адабий-бадиий нашр

МАРҲАБО

(Марҳабо КАРИМОВА)

ДУНЁНИНГ БИР ҚАВАТИ

Шеърлар

Муҳаррир: *С. Бадалбоева*
Техник муҳаррир: *Б. Раҳимов*
Мусаҳҳиҳ: *Р. Алимов*

Босишга рухсат этилди: 2015 йил 22 февраль.
Нашр босма табоғи: 3,5. Шартли босма табоғи: 4,25.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Офсет усули. Адади: 1000 дона.
Буюртма №07/SM-15.

Нашриёт манзили:
«Adabiyot uchqunlari» нашриёти,
Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 109.

"Sirius-media" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4.